

Ўйин юкламасидан аввал олинган тест кўрсаткичларининг ўйин якунида (5 партиядан кейин) кескин тушиб кетиши, тест ва ўйин юкламаси, шу жумладан ҳар бир партиядан кейин (5 партия) шу юкламаларнинг функционал қиймати (ЮКС, НОС, АҚБ)нинг дастлабки (ўйинолди) кўрсаткичларга нисбатан кескин ортиб кетиши мазкур ёш волейболчиларда махсус жисмоний иш қобилияти анча заиф даражада ривожланганлигидан далолат беради.

Хулоса. Ўтказилган тадқиқот натижаларига асосан шундай тўхтамга келиш мумкинки, 15-16 ёшли волейболчиларда махсус жисмоний иш қобилиятини

баҳолаш мақсадида қўлланилган тестлар натижалари (максимал марта сакраш 34,5-31,9 марта, арчасимон югуриш 26,7-24,5 сек.)ни машғулот ва ўйин юкламалари нитажасида сусайиб кетиши, юкламалар қийматининг ортиб кетганлиги уларда жисмоний ва функционал тайёргарлик етарли шаклланмаганлигини тасдиқлайди. Рақобат борган сари кучайиб бораётган, юкламалар ҳажми ва шиддати кескин ўсиб бораётган замонавий волейболда юксак натижага эришиш эса юксак шаклланган интеграллашган жисмоний, техник-тактик ва психофункционал имкониятларга эга бўлишни талаб қилади.

Адабиётлар

1. Беляев А.В., Савин М.В. Волейбол. // Учебник. ISBN 978-5-98724-059-5. 2009. –С.360.
2. Волков Л.П. Теория и методика детского и юношеского спорта. – Киев: Олимпийская литература, 2002. –С. 294.
3. Годик М.А. Физическая подготовка футболистов. -М.: Терра-Спорт, 2006.-272 с.
4. Матвеев Л.П. Общая теория спорта и её приклад. / Л.П.Матвеев.-Изд. Четвертое, испр. И доп.-СПб. [и др.]. –Лань: 2005. – С. 377, [1]с.: ил., табл.; 21 см.; ISBN 5-8114-0585-5: 3000.
5. Платонов В.Н. Система подготовки спортсменов в Олимпийском спорте. Общая теория и её практические приложения: Учебник для тренеров I кН-К.: Олимпийская литература. 2015. –С. 1, 680.
6. Суханов А.В., Фомин Е.В., Булыкина Л.В. Прыгучесть и прыжковая подготовка волейболистов. // Методическое пособие. -М.: 2012.
7. Фурманов А.Г. Подготовка волейболистов. -Минск: МЕТ, 2007. –С. 329.
8. Холодов Ж.К., Кузнецов В.С. Теория и методика физической культуры и спорта. Учебник. 12-е изд., исп. -М.: Академия, 2014. –С.480.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ёш волейболчиларда айрим жисмоний ва функционал кўрсаткичларни машғулот ҳамда ўйин юкламалари таъсирида ўзгариш динамикаси таҳлил қилинган. Аниқландики, машғулот ва тестлардан аввал олинган дастлабки кўрсаткичлар шу машғулот ва тестлар юкламалари таъсирида тушиб кетган. Лекин ўйин юкламаларидан сўнг ушбу кўрсаткичлар янада сустлашган. Бундай ҳолат тадқиқотда иштирок этган волейболчиларнинг жисмоний имкониятлари ҳам, уларнинг функционал компонентлари ҳам мукамал шаклланмаганлигидан дарак беради.

РЕЗЮМЕ

В статье анализировано динамика изменений некоторых показателей физического и функционального состояния у юных волейболистов под влиянием различных нагрузок. Установлено, что исходные показатели, полученные до тренировки и до применения тестов значительно снизились под влиянием этих нагрузок. Однако, под влиянием игровых нагрузок наблюдалось еще большее снижение изучаемых показателей, что связано, очевидно, с недостаточно устойчивым развитием физического и функционального состояния обследованных юных волейболистов.

SUMMARY

The analysis of results of the research of the level of development of special efficiency of young volleyball players of 15-16 years and the possibility of its preservation in the course of the game is presented in article. It is established that such level of the studied qualities decreases in process of end of game parties more and more. The opinion is put forward that such dynamics of change of these qualities demonstrates instability of their status.

ЛИНГВИСТИК ВА КАСБИЙ МУҲАНДИСЛИК БИЛИМЛАРИ ЧЕТ ТИЛИ КАСБИЙ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА

Б.Ф.Қаршиева – ўқитувчи

Термиз давлат университети

Таянч сўзлар: грамматика ва лексика, формула, график, диаграммаларни ўқиш қодалари, мажхул нисбат, иккинчи блок, учинчи блок.

Ключевые слова: грамматика и лексика, формулы, графика, принципы чтения, пассивный залог, второй блок, третий блок.

Key words: grammar and vocabulary, formulas, graphics, reading principles of diagram, passive voice, the second block, the third block.

Кириш. Билингвал таълим учун зарур бўлган лингвистик билимларни танлашда биз минимал шакл, мавзунинг мақсадга мувофиқлиги, контекстлилик ва муаммолилик тамойилларига амал қиламиз. Ушбу тамойилларга асосланиб, биз тил билиш учун зарурий блокларни ажратамиз (1-расм).

Муҳандислик фанлари бўйича функционал-семантик ёндашув нуқтаи назаридан ўтказилган аутент дарслик ва қўлланмалар таҳлили ва мавжуд тажрибалар таълимга ҳақиқий ва мажхул товушларни, инглизча гапларда сўзлар тартиби, вақт, жой, сабаб, оқибат, ҳаракат усули, шарти каби ҳолатни ифодаловчи сўзлар, шунингдек лексик воситалар (терминология), шу жумладан сўз ясалишини ўз ичига олган грамматик воситаларни **биринчи блок** таркибига киритиш имконини беради.



1-расм. Интеграциялашган билингвал таълимда иштирок этадиган тилларни билиш

Интеграциялашган таълим олий таълим муассасасида ўқишнинг биринчи босқичида (бакалавр даражасида) чет тилини ўқитиш, тилшуносликнинг бўлими сифатида чет тили грамматикасини ўқитишни ўз ичига олади, интеграциялашган таълим жараёнида тилнинг тузилиши ва конструкциясини тўлиқ ўрганилмайди. Бироқ ўзаро сўзлашувларни маълум грамматик асосларсиз амалга ошириш мумкин бўлмагани учун грамматиканинг асосий элементлари (масалан, Present Simple, Present Continuous, Past Simple, Present Perfect, degrees of comparison, ing - ending forms, modal verbs, Infinitive after adjectives, Infinitive of purpose, Past Participle, Passive, relative clauses, conditionals, some cases of irregular plural nouns) интеграциялашган таълим жараёнида тақдим этилиши мумкин.

Тадқиқот методлари. Инглиз тилидаги бошқа грамматик ҳодисалар қаторида пассив (нофаол) нисбатга алоҳида эътибор берилиши керак, чунки у бу тилда рус тилига қараганда тез-тез ишлатилади. Ўзбек тили учун одатий бўлмаган мажхул нисбат феълларидан фойдаланишнинг баъзи ҳолатлари:

- ҳақиқий айланманинг воситали тўлдирувчиси мажхул нисбат предметиға айланади:

Babcock & Wilcox was offered an equity position in the project;

- бир қатор феъллар учун ҳақиқий айланманинг предлогли воситали тўлдирувчиси мажхул нисбатнинг предметиға айланиши мумкин:

The surface generated by preceding teeth is accounted for in the model;

- баъзи рус тилидаги ўтимсиз феъллар инглиз тилига таржима қилинганда ўтимили феълларга айланади ва шунинг учун уларни мажхул нисбатда ишлатилиши мумкин:

Heat exchanger size is adversely affected by the use of high molecular weight gases;

- инглиз тилига таржима қилинганда номинал қисм сифатида қўлланиладиган қисқа мажхул қисм ҳақиқий ҳолатда феъл сифатида ифодаланади:

One measurement suffices for arbitrary pressures and rubber hardness [1].

Интеграциялашган таълимнинг чет тилини ўқитишдан ажратиб турувчи хусусияти тил материаллини тақдим этиш ва ундан фойдаланишнинг махсус функционал тамойили ҳисобланади. Бу материални ўқув машғулотларига қандай киритиш мумкинлигига мисоллар келтирамиз. Биринчидан, минимализм тамойилини кузатишга нисбатан классик ёндашувни кўрсатамиз, чунки вақтнинг чекланганлиги умумий мисоллар билан қисқача тушуниришни назарда тутаяди, кейинчалик улар тингловчиларга керакли бўлган материални такомиллашган ҳолда берадилар. Тақдимот услубининг қисқалиги, қоидага кўра, таълим олувчиларнинг кўпчилиги мактаб ва олий таълим муассасаси чет тили курсларида асосий қоидалар билан аллақачон таниш бўлганлиги билан боғлиқ.

Натижа ва муҳокама. Юқорида классик анъанавий тилшуносликдаги грамматик маълумотлар кўрсатилди.

Бизнинг фикримизча, интеграциялашган таълим билан боғлиқ мақсад ва вазифаларга классик грамматик таҳлилнинг ахборотни функционал шаклда тақдим этиш билан уйғунлашуви ўзаро боғлиқ. Кейинги ҳолатда грамматик тузилмани маълум қоидалар асосида таҳлил қилиш ва синтез қилишдан нутқнинг маъно мазмунини ифодалашга қаратилган нутқ ҳосиласи сифатида гап яратишга ургў берилади.

Бундай йўналишда материални тақдим этиш коммуникатив ёндашувга мос келади, чунки тил

воситаларини излаш коммуникац мақсадига бўйсунди. Қуйида узатилаётган ахборотнинг функционал мақсадини аниқлаш асосида биринчи блокдан лингвистик билимларни тақдим этишга мисоллар келтирилган.

1. **Making definitions** (тушунчалар таърифи). Бунинг учун *to be* феъл шакли кенг ишлатилади.

Мисоллар: *Aluminium is a light metal. Aluminium is used to make aircraft. Alumin-ium is a light metal which is used to make aircraft.*

2. **Describing function** (объектнинг функционал мақсадини аниқлаш). Эргаш гапларни киритишда *is to + infinitive* сўз бирлиги қулай ҳисобланади. Уларга муқобил равишда *used to + infinitive* ёки *used for + -ing / noun* ишлатилиши мумкин.

Масалан: *An electric motor converts electrical energy to mechanical energy. The function of an electric motor is to convert electrical energy to mechanical energy. Laser beams can be used to measure and align structures.*

3. **Describing components** (таркибни тавсифлаш) Феъллар: *are made up, is placed, is composed, consist.*

Мисол: *The armature is placed between the poles.*

4. **Describing functions** (фаолият тамойилининг тавсифи). Фаолият тамойилини “қандай” (“*how*” questions) ва “нима учун” (“*why*” questions) саволларига жавоб бериш орқали таҳлил қилиш мумкин.

“Қандай” деган саволга жавоб *by + -ing* ёки *used + to verb / used + for -ing* (агар асосий объект бўлса, унинг ёрдамида ҳаракат бажарилади).

Мисоллар: *The clippings are stored by providing a grass box. A grass box is used to store the clippings. A grass box is used for storing the clippings.*

“Нима учун” деган саволга жавоб *to + verb* ёки *so that + clause*.

Мисоллар: *The impeller is rotated to achieve air-flow. The impeller is rotated so that air-flow can be achieved.*

Янгиллиги. Тилшунослик билимларининг биринчи блоки керакли элементлари таълим жараёнининг предмети, мазмун томонини акс эттирувчи **тушунча ва атамалар** бўлиб, уларнинг ортида физик ҳодисалар, категориялар, қонуниятлар, моделлар, муҳандис лексикасини ташкил этувчи методлар туради. Биз тадқиқотимизда Ю.Н.Семин томонидан тақлиф қилинган муҳандислик фанлари тушунчалари ва атамалари типологиясига ҳамда уларни ўзлаштириш ва қўллаш даражалари таснифига таянамиз [2]. Тушунчалар ва атамаларни умумлаштириш ва функционаллик даражасига кўра бир неча синфларга (турли фанлар учун 5 дан 15 гача) бўлиш мумкин, даражалар бўйича ўзлаштиришда: феноменологик (таъсир, сифатли тасаввур), операцияон-алгоритмик (фаолиятли, репродуктив даража), аналитик-синтетик (фаолиятли, янги таълимни мустақил излаш элементлари билан).

Хулоса.

Хулоса қиладиган бўлсак, тилшунослик билимларининг биринчи (лексик-грамматик) блокининг ҳажми ва мазмуни чет тили ва мутахассисликни интеграциялашган ҳолда ўқитиш шакли ва мақсадларига боғлиқ бўлиб, ўқув режасида белгиланиши керак. Юқорида, бизнинг фикримизга кўра, амал қилиш керак бўлган асосий тамойиллар: минимализм, мавзунинг мақсадга мувофиқлиги, контекстуаллик ва муаммолик қайд этилган. Уларга ўқувчиларнинг эҳтиёжларига эътибор қаратиш тамойили ва фаоллик тамойилини қўшиш керак. Агар ўқув тил материали ушбу тамойиллар мажмуаси талабларига жавоб берса, ушбу тамойилларни билингвал таълим фаолияти жараёнида муваффақиятли ўзлаштириш мумкин.

Адабиётлар

1. Климзо Б.Н. Ремесло технического переводчика. Об английском языке, переводе и переводчиках научно-технической

литературы. 2-е изд., переработанное и дополненное. – М.: «Р.Валент», 2006. –С. 508.

2. Семин Ю.Н. Учебные тезаурусы теоретической и прикладной механики: Учебное пособие. – Ижевск: Издательство ИжГТУ, 2001. –С. 76.

3. Вербицкий А.А. Компетентностный подход и теория контекстного обучения: Материалы к четвертому заседанию методологического семинара 16 ноября 2004. – М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов. 2004. –С. 84.

4. Валиев Т. Терминлар маъновий қўламининг қиёсий таҳлили. // УзМУ хабарлари. – Тошкент: 2016. №1/4.(10.00.00. №15)

5. Faxriddinova Q.B. The Role and Importance of an Integrated Bilingual Approach in Teaching English to Students //International Journal of Development and Public Policy. 2021. Т. 1. №. 5. – С. 286-288.

6. Худобина О.Ф. Педагогические условия преодоления психологических барьеров у студентов в процессе билингвального обучения в вузе. Дис. ...канд. пед. наук: 13.00.08. – Волгоград: 2007. –С. 242.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мутахассислиги инглиз тили бўлмаган талабаларга инглиз тилини ўргатиш босқичларига эътибор берилган. Мақолада амал қилиш керак бўлган асосий тамойиллар: минимализм, мавзунинг мақсадга мувофиқлиги, контекстуаллик ва муаммолилик қайд этилган. Уларга ўқувчиларнинг эҳтиёжларига эътибор қаратиш тамойили ва фаоллик тамойилини қўшиш зарурати айтиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

Статья основана на этапах обучения английскому языку неанглоязычных студентов. Основные принципы, которых следует придерживаться в статье: минимализм, целесообразность темы, контекстуальность и проблематичность. Им было предложено добавить принцип ориентации на потребности учащихся и принцип активности.

SUMMARY

The article focuses on the stages of teaching English to non-English speaking students. The main principles to be followed in the article are minimalism, expediency of the topic, contextually and problematic. They were told to add the principle of focusing on the needs of students and the principle of activism.

BO‘LAJAK TEXNOLOGIK TA‘LIMI YO‘NALISHI O‘QITUVCHILARNI XALQ HUNARMANDCHILIGI A‘MALIY DARSIDA KA‘SBIY KOMPONENTLIGINI O‘RGATISHNING MUAMMO VA YECHIMLARI

K.A.Qutlimuradov – doktorant

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch so‘zlar: zamonaviy ta‘lim va tarbiya, milliy ma‘naviyat, didaktik qarashlar, maqsad, fanlararo bog‘liqlik.

Ключевые слова: современное образование и воспитание, национальная духовность, дидактические взгляды, цель, междисциплинарная связь.

Key words: modern education and upbringing, national spirituality, didactic views, goal, interdisciplinary communication.

Insoniyat hayoti davomida ilm-hunar egallashi uchun yangiliklar yaratish, biror hunar egallab kelajakda o‘zi qiziqqan sohalarining yetuk mutaxassisi bo‘lishga intilar ekan, oilasi farzandlarimizning bolaligidan o‘z iqtidori, qiziqishlarini e‘tibor qaratgan holda, biron bir hunarning sir-asrorlarini o‘rganishlariga ko‘maklashish ahamiyatidir. Shu sababli hunar o‘rganish, o‘g‘il-qizlarimiz mehnatsevarlikni, sabr-bardoshlikni, qunt bilan ishlashdek ajoyib fazilatlarni o‘zlarida mujassam eta borishadi. Azaldan yurtimizda ilmu-hunar sohiblari ardoqlanib kelingan.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 17-noyabrdagi “Hunarmandchilikni yanada rivojlantirish va hunarmandlarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5242-son Farmoni sohani rivojlantirishda bo‘ljak texnologik ta‘lim yo‘nalishi o‘quvchilarga xalq hunarmandchiligi amaliy darslarda o‘rgatishning dolzarb masalalaridan biri bo‘lib qolmoqda.

Respublikamizda xalq hunarmandchiligining 160 dan ziyod turlari mavjud bo‘lib, o‘ziga xos xususiyatlaridan amaliyligi, qo‘l mehnati mahsulligi, mazmundorligi, ijodiyliigi, milliyliigi, mahalliy xom-ashyolarni topish va ta‘mirlashda qulayliigi, mehnatini uyg‘unlashtira olishliigi, asosiy hollarda murakkab qurilmalar, uskunalar, asboblari, stanoklar talab qilmasliigi, mashg‘ulotlarni tashkil etishning soddaligi bilan ajralib turadi. Natijada bu sohani yetarlicha o‘rgangan bo‘ljak texnologik ta‘lim yo‘nalishi o‘quvchilarga ma‘lum kasblarni egallaganliigi bilan alohida e‘tiborga molikdir. Shu o‘rinda umumiy tushunchalarni keltirib o‘tsak.

Milliy hunarmandchilik - moddiy madaniy meroslarimizning eng qadimiy muhim turlaridan hisoblanadi va tasviriy hamda amaliy san‘atning ko‘pdan ko‘p sohalarini bilan uyg‘unlashib ketadi. Ammo, tasviriy hamda amaliy san‘at, buyumlarga badiiy ishlov berish jarayonining, xalq hunarmandchiligining o‘ziga xosliigi, yo‘llari, xususiyatlari, o‘xshashliklarini va qolaversa, bir-biridan farqlarini ajratish mumindir.

Hunarmandchilik - milliy-an‘anaviy mayda tovar ishlab chiqarish, oddiy mehnat qurollari yordamida yakka tartibda va qo‘l mehnatiga asoslangan sanoat turi: shunday

mahsulotlar tayyorlanadigan kasblarning umumiy nomi. Yirik sanoat ishlab chiqarishi vujudga kelishiga qadar keng tarqalgan, ayrim sohalarini keyin ham saqlangan. Rivojlanmagan mamlakatlarning xalq xo‘jaligida hozir ham muhim o‘rin egallaydi.

Bo‘ljak texnologik ta‘lim yo‘nalishi o‘qituvchilarga xalq hunarmandchiligini ozi ta‘lim olayotgan oliy ta‘limda, professional ta‘lim tizimi va umumtaliim maktabda sinf va sinfdan tashqari mashg‘ulotlarda yosh avlodlarga o‘rgatish asosiy muammo sifatida bo‘lib turibdi.

Ushbu yo‘nalishlardan kelib chiqqan holda biz xalq hunarmandchiligiga oid bilim va ko‘nikmalarni o‘rgatishda mavjud quyidagi muammolarni ko‘rstish mumkin:

- Bo‘ljak texnologik ta‘lim yo‘nalishi o‘qituvchilarida xalq hunarmandchiligiga oid ma‘lumotlar kamliigi;

-xalq hunarmandchiligi kasblari asosan ko‘p mehnatni talab qilishi;

-xalq hunarmandchiligi buyumlarini yasashda asosan qo‘l mehnati tashkil etishi;

-yoshlar xalq hunarmandchiligi kasblarida zamonaviy asbob va uskunalaridan foydalanmasliigi;

-yoshlarda milliy g‘urur hamda qadriyatlarining to‘laqonli ta‘lim jarayoniga tatbiq etilmaganliigi;

-xalq hunarmandchiligiga nisbatan o‘quvchilarning qiziqishi yo‘qligi;

-xalq hunarmandchiligi bo‘yicha ma‘lumot beradigan metodik manbalarning yetishmasliigi;

-xalq hunarmandchiligiga oid mashg‘ulotlarni tashkil etishda innovatsion texnologiyalarning yetarlicha qo‘llanilmasliigi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib bo‘ljak texnologik ta‘lim yo‘nalishi o‘qituvchilarini xalq hunarmandchilik sirlarini o‘rgatishda ta‘limining innovatsion uslublaridan foydalanish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Shuning uchun xalq hunarmandchiligi amaliy darslarini tashkil etishda yangi mazmunini shakllantirishning innovatsion texnologiyalari, zamonaviy o‘quv uslubiy majmualar, o‘quv tarbiya jarayonining didaktik jihatlarini ta‘minlash va mazkur sohaga o‘qitishining ilmiy amaliy masalalarini